



Аллоҳ таоло Исрӯ сурасининг 78-оятида шундай дейди:

«███████████████████ ██████████ ██████████ ████████████████████ ████████████████████ ████████████████████ ████████████████████ ████████████████████ ████████████████████ »

«Қуёш оғишидан то тун қоронғусигача намозни тўқис адо қилинг ва тонғги ўқиши (бомдод намозини) ҳам (тўқис адо қилинг). Зеро тонғги ўқиши (кеча ва кундуз фаришталари) ҳозир бўладиган намоздир».

Нисо сурасининг 103-оятида эса:

«Албатта намоз мұйынларға вақти тайинланған ҳолатда фарз бўлди», дейди.

Имом Муслим Абдуллоҳ Ибн Амр розияллоҳу анхұмодан ривоят қылған ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Пешиннинг вақти қүёш чўққидан ботиш томонга оғгач, кишининг сояси бўйи баробари бўлиб, аср вақти киргунга қадар. Асрнинг вақти то қүёш



ботгунича, шом вақти қуёш ботгандан шафак йўқолгунча, хуфтоннинг вақти ярим кечагача ва бомдоднинг вақти субҳ содикдан то қуёш чиққунга қадар. Агар қуёш чиқса намоз ўқиманг, чунки у шайтоннинг икки шохи орасидан кўтарилади», дедилар.

Муттафакун алайҳ бўлган ҳадисда Абу Барза розияллоҳу анҳу шундай дейди: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бомдодни ўқирдилар, шу ҳолда бизларнинг биримиз ёнида ўтирган одамни таний оларди, унда 60 оят билан 100 оят ўртасида қироат қиласидилар. Пешинни қуёш чўққидан ботиш томонга оғганда ўқирдилар. Асрни ўқирдилар, (шундан сўнг) бизлардан биримиз Мадинанинг четига бориб, қайтиб келар, куннинг тафти ҳали сўнмаган бўларди. (Ровий айтади: Абу Барза) шом ҳақида нима деганини унутдим. Хуфтонни эса парво қилмасдан кечанинг учдан биригача кечиктирадилар. (Кейин деди: «Кечанинг ярмигача»).



Имом Насойй ривоят қилган ҳадисда Жобир розияллоҳу анху шундай дейди: Бир киши Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан намоз вақтларини сўради. У зот: «Мен билан бирга намоз ўқинг», дедилар. Пешинни кун (тиkkадан) мойил бўлган вақтда, асрни ҳамма нарсанинг сояси ўзининг бўйи баробари бўлганда ўқидилар. Шомни қуёш ботган пайтда, хуфтонни шафақ ғойиб бўлган вақтда ўқидилар. Кейинги куни пешинни кишининг сояси ўзи билан баробар бўлганда, асрни кишининг сояси ўзига икки баробар бўлганида, шомни шафақ йўқолишидан сал олдин, хуфтонни кечанинг учдан бирига бориб ўқидилар.

Шарҳ:

Расууллоҳ соллаллоҳ алайҳи ва саллам намозларнинг вақтларини сўзда ва амалий равишда белгилаб берганлар. Саҳобалар розияллоҳу анхум ўша вақтларни аниқ-тиниқ белгилаб, бизларга омонат билан нақл қилишган. Намозларни узрсиз ўз вақтидан кечиктириш мумкин эмас.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

1. Намоз дуруст бўлиши учун вақти кирган бўлиши шарт.
 2. Пешин намозининг вақти кун тиккадан оғганидан то аср вақти киргунича.

3. Аср намозининг вақти ҳамма нарсанинг сояси ўзига бир баробар бўлганида бошланади.
4. Шом намозининг вақти қуёш ботгандан бошлаб қизил шафақ фойиб бўлгунга қадар.
5. Хуфтоннинг вақти шафақ кетгандан бошлаб ярим кечагача, бомдодгача зарурат учун кечикса жоиз.
6. Бомдоднинг вақти субҳи содикдан бошлаб қуёш чиққунга қадар.